*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
21 май
ШАНБА
№ 41 (12885)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# Ангрен МИЗ: УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

*Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш, тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар бериш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасидаги кўламли ишлар самараси ўлароқ, бугун ички бозорларимизни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш, экспорт ҳажмини янада ошириш, энг муҳими, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда салмоқли натижаларга эришилмоқда.*

❑ Янги корхона



Қувонарлиси, хорижлик ҳамкорлар иштирокидаги қўшма корхоналар кун сайин кўпайиб бормоқда. Якунланаётган ҳафтада Ангрен махсус индустриал зонаси таркибида яна бир қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилгани фикримиз тасдиғидир.

Ўзбекистон – Болгария ҳамкорлигида барпо этилган мазкур корхона саноат ва мотор мойларини қайта ишлаш орқали полисинтетик мой, печ ёқилғиси ва битум ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, йилига 43 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона Марказий Осиёда ягона эканлиги ва бу ерда 43 минг тонна иккиламчи хом ашёдан 30 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкони яралгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Кўриниб турибдики, корхонанинг фаолият бошлаши нафақат шу маҳсулотга ички эҳтиёжни қондириш, балки ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш ва табиат мусаффолигини таъминлашга замин яратади.

Лойиҳавий қиймати 15 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи "Uz-Prista Recycling" қўшма корхонаси Германия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг етакчи компаниялари дастгоҳлари билан жиҳозланган.

– Корхонадаги ўзига хос янгиликлардан яна бири шуки, – дейди технолог Ҳалимжон Раҳмонов, – ўзбекистонлик мутахассислар томонидан яратилган янги скрубер дастгоҳи ўрнатилмоқда. Ушбу қурилма атмосферага чиқаётган заҳарли газларни зарарсизлантириши билан аҳамиятлидир.

Мазкур йирик ишлаб чиқариш мажмуасини узлуксиз иккиламчи хом ашё билан таъминлаш мақсадида республикамизнинг 6 та ҳудудида ихтисослашган йиғиш пунктлари ташкил этилган.

– Отамнинг: "Бизнинг давримизда эртаклар ҳақиқатга айланмасди, ҳозир ҳаммаси бошқача", деган сўзлари мағзини энди тушундим, – дейди корхона оператори Бекзод Тўхтаназаров. – Ҳақиқатдан ҳам, шундай замонавий, иш жараёни автоматлаштирилган шароитларда ишлашни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз?! Бу каби эътибор ва ишончга лойиқ бўлиш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз.

Корхонада 50 га яқин янги иш ўринлари яратилган бўлиб, ишчиларнинг аксарияти Бекзод сингари ёшлар экани, айниқса қувонарлидир. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 40 фоизини экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Умуман олганда, Ангренда бу каби ноёб ва йирик ишлаб чиқариш қувватларини барпо этилишида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Давоми 2-бетда.

❑ Вилоят ҳокимлигида

*Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларнинг Тошкент вилоятидаги ижросини ўрганиш натижаларига бағишланган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.*

*Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Анвар Абдуқодиров олиб борди.*

## ТАДБИРКОРЛАР УЧУН БЕҚИЁС ИМТИЁЗЛАР

Унда сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларнинг вилоятда ижро этилишини ўрганиш натижаларига кўра, давлат мулкидан оқилона фойдаланиш, бекор турган ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлар, бўшаётган ер участкаларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш бўйича амалга оширилган муайян ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, вилоятдаги 416 та давлат мулки объектини оммавий савдоларга қўйиш ҳамда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан "ноль" харид қийматида сотиш билан боғлиқ ишлар олиб борилди. Давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурларга асосан худди шундай қийматда сотилиши белгиланган 202 та объектдан 163 таси сотилди ва қолган 39 объект белгиланган тартибда савдога чиқарилди.

2016 йил 1 апрель ҳолатига 114 та давлат объектига инвесторлар 53 млрд. сўмдан ортиқ ҳамда 202,8 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди.

Республика Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан ҳудудда 242 та давлат активини оммавий савдолар орқали хусусийлаштириш белгиланган бўлиб, 30 та объект аукционга, 104 та объект оферта савдоларига чиқарилди. 74 та давлат мулки объекти 35,4 млрд. сўмга сотилди.

Шунингдек, муҳокама чоғида сенаторлар Қонун ҳамда давлат мулкини хусусийлаштириш билан боғлиқ дастурлар ижросини таъминлашда ҳалиҳануз ечимини кутаётган масалалар борлигини алоҳида қайд этдилар. Уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**

*Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.*



❑ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

*Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари, бошқача айтганда, фарзандларимизга кенг имкониятлар эшигини очиб бериш мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси – мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчиларидир. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг бахт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиламиз.*

## «БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

**Кеча вилоятимиздаги барча умумтаълим мактабларида шундай шиор остида иншолар куни ўтказилди.**



Бу ҳақда гап кетганда, биринчи галда, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ташкилий асослари яралгани, эртамиз давомчиларининг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам механизмлари шаклланганини таъкидлаш муҳим.

Кундан-кунга чирой очиб, тамаддун пиллапояларидан дадил юқорилаб бораётган, тобора жаҳон афкор оммасининг эътибори, ҳавасини тортаётган мустақил, обод ва озод юртда яшаяпмиз. Тинч, фаровон ҳаёт кечириш ҳозирги кунда кўпгина мамлакат, ҳатто минтақаларда ҳам ширин орзуга айланган. Шукрким, 25 йилдан буён бу тотли неъматдан баҳраманд миз. Энг муҳими, эртанги кунимиздан кўнгил тўқ: ўз ҳаёти, ўз тақдирини она Ўзбекистонимиз билан чамбарчас боғлаб, келажак сари катта ишонч билан интилаётган ёшларимиз бор.

Кеча барча шаҳар ва туман мактабларида ўтказилган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" мавзуидаги иншолар куни фикримиз далили. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, иншолар кунида вилоятимизнинг 877 та умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 71,6 мингдан ортиқ 8-, 9-синф ўқувчилари иштирок этишди. Тадбир вилоят ҳокимлиги, Халқ таълими бошқармаси, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, Маънавият-тарғибот бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Ўзбекистонимизнинг эртаси бўлган ёшларда Ватан тинчлиги ва осойишталиги, ривожи ва тараққиётига, жамиятда бўлаётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш,

Давоми 2-бетда.

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД

*Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоятимиз шаҳар ва туманларида "Юксак маънавиятли авлод" фестивали ойлиги ўтказилди.*

❑ Фестиваль

Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ташаббуси билан уюштирилган фестивалнинг вилоят босқичида 370 нафар иқтидорли ёшлар қатнашди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят маънавият ва маърифат марказига йиғилган истеъдодли ёшларнинг кўтаринки кайфияти, қувноқ чеҳраларда акс этган самимий туйғулар, марказ фойесию, ҳовлисини безаган турли йўналишдаги ижод намуналарини кўриб, дил яйрайди.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Исломжон Эргашходжаев шундай деди:

– Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда ҳар йили ўтказилаётган анъанавий "Юксак маънавиятли авлод" фестивали муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлидаги ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттиришимиз лозим.

Давоми 2-бетда.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари

*Айни пайтда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида давом этмоқда. Мақсад – энг муносиб номзодларни сайлаб олишдир. Бу жараён шубҳасизки, мазкур тадбирга кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар ҳамда вакиллар зиммасига катта масъулият юкламоқда.*

## САЙЛОВ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Чақмоқ" маҳалла фуқаролар йиғини аҳли ҳам раис ва унинг маслаҳатчилари сайлови билан боғлиқ тадбирларда фаол қатнашди. Хусусан, маҳалладошлари номидан келган 52 вакил эрталабдан сайлов ўтадиган жойда жам бўлишди. Дастлаб, ишчи гуруҳ томонидан раисликка номзодларнинг дастурлари ўқиб эшиттирилди.

"Чақмоқ"ликлар сайлашнинг очиқ овоз бериш йўлини танлашди. Пировардида, қарийб 70 фоиз вакилнинг овозига эга бўлган Э. Мирсалов қайта раис этиб сайланди. Шунингдек, ўз тақдирини маҳалла билан чамбарчас боғлаган бир гуруҳ фаоллар раис маслаҳатчилигига муносиб кўрилди.

"Гул" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган сайловда ҳам аҳолининг ушбу муҳим тадбирга муносабати, маҳалла тақдирига бефарқ эмасликлари яққол намоён бўлди. Аҳоли номидан келган вакиллар уч номзоддан энг муносибини йиғин раиси этиб сайлади. Очиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайловда муқобиллик ва тенглик тамойилларига амал қилингани демократиянинг эркин кўриниши бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги сайловларда кўплаб номзодларнинг биринчи бор сайланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Ватан" маҳалла фуқаролар йиғинига Дилбар Бусенова биринчи бор раис этиб сайланди. Кўчалардан тайинланган 45 вакилнинг 35 таси уни ёқлаб овоз берди. Бунинг сабаби бор, албатта. Унинг дастуридаги аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар билан олиб борилаётган ишларни кучайтириш, маҳаллани янада ободонлаштириш каби вазифалар вакилларга маъқул бўлди. Айниқса, ҳудудда болалар боғчасини барпо этиш таклифи бутун маҳалла аҳлининг дилидаги гап бўлди, дейиш мумкин. Сайловнинг очиқ овоз бериш йўли билан ўтганлиги ҳам шундан. Шунингдек, тадбир давомида раиснинг 7 маслаҳатчиси ҳам сайлаб олинди.

Вилоятимизнинг барча ҳудудларида давом этаётган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида муносиб номзодларни сайлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани миллий ва умуминсоний қадриятлар силсиласида тобора такомиллашиб, ўзининг янги ва замонавий қирраларини эркин намоён этаётган ноёб тузилманинг янада равнақ топишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# Ангрен МИЗ: улкан имкониятлар майдони

Мазкур муҳим ҳужжат Ангрен шаҳри, қолаверса, Оҳангарон туманининг тарихий тараққиёт босқичини бошлаб берди, десак асло муболаға бўлмайди. Боиси, индустриал зонада фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестицияларга қараб, солиқ ва божхона имтиёзлари яратилгани ҳамда преференциялар қўлланилаётгани, шу билан бирга, мукаммал инфратузилма, транспорт-коммуникация тизимининг муттасил шакллантириб борилаётгани воҳа иқтисодиётининг жадал ривожланишига замин яратди.

Бошланиши 1-бетда.



Шунга мувофиқ, "Ангрен" махсус индустриал зонасида ўтган қисқа вақт ичида бир қатор инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, 2013-2015 йиллар мобайнида умумий қиймати 180,8 миллион долларлик 10 та инвестицион лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу йилнинг 4 ойида ушбу корхоналар 272 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариб, 2,1 миллион долларлик қисмини экспорт қилди.

Шу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан ҳудудда 1400 га яқин янги иш ўринлари яратилгани, иш билан таъминланганларнинг 60 фоиздан кўпроғи касб-ҳунар коллежлари битирувчилари экани, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Ҳудудда амалга оширилаётган ишларнинг яна бир эътиборли жиҳати, кўплаб янги қувватлар иш бошлаш арафасида. Хусусан, шу йил охиригача умумий қиймати 90,4 миллион АҚШ долларилик бўлган 12 та корхона сафга қўшилади. Чунончи, собиқ "Резинотехника" АЖнинг бўш биноларини инвесторга белгиланган шартларда "ноль" қийматда берилиши натижасида барпо этилган глазурли керамик плитка ва керамогранит ишлаб чиқаришга ихтисослашган "National Ceramics", манзарали кафель, ваннахона ва ошхона анжомлари ишлаб чиқарувчи "Great Wall Ceramik Industries", изоляторлар тайёрлашга ихтисослашган "ARMATURNO-IZOLYATORIY ZAVOD", пластик материаллар ва банерлар учун мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган "HILTON TRADE" корхоналари шулар жумласидандир.

Янги корхона



*Мухтасар айтганда, "Ангрен" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқариш ва янги корхоналарни ташкил этиш юзасидан қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Бинобарин, индустриал зонанинг ташкил этилгани воҳада замонавий ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва янги иш ўринлари барпо этиш борасида чексиз имкониятлар яратмоқда.*

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.*

# «БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

бу борада ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш, олиб борилаётган таълим ва тарбия жараёнида фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида уюштирилди.

Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабнинг 8-"А" синф ўқувчиси Малика Тўхтаева отаси Саттор Худойбердиев, онаси Гулчеҳранинг илм-фанга, адабиётга бўлган меҳри, устозларининг рағбати туфайли, билимдон ёшлар қаторидан жой олди.

– Мен мустақил Ўзбекистондек обод ва озод Ватанда яшаётганим, муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук, баркамол ёшлар қаторида эканлигим билан фахрланаман, – деб ёзади Малика ўз иншосида. – Менинг энг эзгу орзуим, биз ёшларни бошига кўтараётган, барча шароитлар муҳайё этилган Ватанимга хизмат қилиш, муносиб фарзанд бўлиш...

Ҳақиқатан ҳам мустақил юрт фарзандлари бугун таълим олиш борасида бекиёс шароит ва имкониятлардан баҳраманд. Улар мустақиллик иноятлари туфайли барча замонавий қулайликлар, жиҳозларга эга мактабларда ўқиб, таълим-тарбия олмоқда, касб-ҳунар ўрганмоқда.

– Вилоятимиз мактабларида ташкил этилган иншолар куни ғоят кўтаринки руҳда ўтди, – дейди Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Маҳмуд Назаров. – Ёзилган иншо-эсселардаги теран фикр, беғубор ва фавқулодда ўткир мушоҳадаларда Ватанга, элу юртга садоқат, ғайрат, шижоат руҳи уфуриб турибди. Демак, ёшларимизда Ватан тараққиёти, ривожи, жамиятда бўлаётган жараёнларга дахлдорлик, масъуллик ҳисси кучли. Зукко ўқувчилар ёзган иншоларнинг энг намуналиларини тўплаб, китоб яратиш – галдаги вазифамиз. Бу, энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига вилоятимизнинг иқтидорли ёшларидан муносиб совға бўлади.

Бошланиши 1-бетда.

Соат эрталабки 8.00. Биринчи дарсга қўнғироқ чалиниши билан Паркент туманидаги 49 та умумтаълим мактабида ҳам иншолар куни кўтаринки кайфиятда бошланди. Туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилаларидан иборат гуруҳлар таълим муассасаларида бўлишиб, тинчлик қадри ва саодати, истиқлол неъмати, халқимиз эришаётган оламшумул ютуқлар ҳақида ёшлар билан дилдан, самимий мулоқотга киришдилар. Катта ҳаяжонда дафтарнинг оқ саҳифаси билан юзма-юз турган эртамиз эгаларига илҳом тиладилар.

– Иншолар кунида 50 дан ортиқ ўқувчимиз ўз ижодий ишларини тақдим этдилар, – дейди тумандаги 35-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Элмира Бегматова. – Мактабимизда таълим икки – ўзбек ва рус тилларида олиб борилаётгани сабабли бир гуруҳ шогирдларимиз ўз эсселарини рус тилида эркин ва равон ифодалаганлари бизни, айниқса, мамнун этди.

– Мазкур маърифий тадбир ўқувчиларимиз учун чинакам шодиёнага айланиб кетди, – дейди Қибрай тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи Рустам Мусаев. – Унинг яна бир эътиборли жиҳати ўқувчилар томонидан ёзилган иншо ва эсселарнинг матни дарсдан сўнг уйда, ота-онаси ва оила аъзолари даврасида муҳокама қилинади. Ота-оналар ўз фарзандларининг ижодий ишларига ёзма тақриз берадилар.



"Президентимиз айтган гапларни телевизор орқали эшитиб, фахрланиб кетдим. Кўпни кўрган, хўб донишманд инсон-да, Юртбошимиз. Ҳар бир гапни юракдан ўтказиб, юракка етадиган қилиб айтадилар. Ҳар сўзи халқимизнинг қаддубастини кўтаради, кўксини тоғ қилади. Бизнинг Ўзбекистонимиз дунёнинг энг бахтли 44 мамлакати қаторида экан. Бу ҳавойи гапмас, БМТнинг ўзи эътироф этиб қўйибди. Қойил қолдим. Билсангиз, бундай ҳаётни кўзга суртса арзийди. Афсуски, биз ҳадеганда бунга эътибор қилавермаймиз. Тўқликка шўхлик қиладиганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Ёруғ кунларнинг қадрига етайлик, эртамизнинг бундада нурафшон бўлиши учун қайғурайлик..."

Паркент туманидаги 1-умумтаълим мактабининг 9-"Б" синф ўқувчиси Ихтиёр Турғуновнинг "Тинчликдан тотли неъмат йўқ" сарлавҳали иншосидан олинган бу сатрлар лавҳамизга муносиб якун бўла олади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ, Умар АҲМЕДОВ олган суратлар.*

# ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

*Пойтахтимиздаги "Халқаро бизнес маркази"да "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда ОАВнинг роли ва ўрни" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ахборот хизматлари, жамоат ташкилотлари ҳамда марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Матбуот анжумани

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилган анжуманда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" ғояси асосида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ушбу соҳаларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш каби масалаларни тизимли ва кенг ёритиш муҳокама қилинди. Йиғилганларга дастур доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Марказий ва ҳудудий нашрлар, давлат органлари ахборот хизматлари ходимларининг иштироки эса Давлат дастури ижросини оммавий ахборот воситаларида ёритишда муаллифлик материаллари, уларнинг бадиий ва ғоявий даражасини оширишга хизмат қилишига алоҳида урғу берилди. Мавзу доирасидаги қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблар тадбирни янада жонли ўтишини таъминлади.

Якунда "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" республика танловининг ғолиблари аниқланиб, фонднинг махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нозима РАҲИМОВА.**

Мутахассис тушунтиради

*Халқимизда "Етти ўлчаб бир кес", деган мақол бор. Бу шошмашошарлик оқибатида нотўғри қарор қабул қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Узоқ йиллардан буён шаклланиб келган мазкур ҳаётий ҳақиқат бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Экологик муносабатларда ҳам чуқур ўйлаб қарор қабул қилиш яхши самара беради.*

# ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

Табиат билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни бошлашдан аввал экологик экспертиза хулосасини кутиш лозим.

"Экологик экспертиза нима учун керак?", деган ҳақли савол туғилади. У мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш, мазкур фаолият табиий муҳит ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли, унинг экологик хавфлилик даражаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш мақсадларида ўтказилади. "Экологик баҳолаш" тушунчаси эса белгиланаётган фаолиятнинг экологик оқибатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур фаолиятни ривожлантиришда, лойиҳалашда, тасдиқлаш ва амалга оширишда экспертиза натижаларини ҳисобга олиш жараёнидир. Экологик экспертиза давлат, жамоат ва экологик аудит кўринишида амалга оширилади.

Вилоят давлат экология экспертизаси жамоаси томонидан шу йилнинг биринчи чорагида 450 та лойиҳа ҳужжати кўриб чиқилиб, шулардан 401 таси маъқулланди. Фаолиятимизда холислик, асослилик тамойиллари ва экологик хавфсизлик талабларига амал қилинади. Бунинг учун экоэкспертиза билан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўртасида ўзаро алоқа ва маълумот алмашинуви йўлга қўйилган.

Ишимизда кўриб чиқилаётган объектнинг ўзига хослиги ва мураккаблигига қараб, битта ёки бир гуруҳ малакали мутахассис ва олимларни жалб этиш мумкин. Уларнинг хулосалари тавсия мақомига эга бўлади. Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати қонунчилик томонидан белгилаб қўйилган бўлиб, унинг объектлари (фаолият турлари), атроф-муҳитга таъсир даражасига кўра, тўрт тоифага бўлинган. Қонун ҳужжатларида давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб, I ва II тоифали объектлар учун 30 кун, III тоифали объектлар учун 20 кун ва IV тоифали объектлар учун 10 кун деб белгиланган.

Давлат экологик экспертизасининг салбий хулосасини олган буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифга мувофиқ лойиҳани маромига етказади ва такроран тақдим этади ёхуд мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечади.

*Ҳозир I тоифали корхона ва объектлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 баробари, II тоифага 15 баробари, III тоифадагилар учун 7,5 баробари ҳамда IV тоифага тегишли бўлганлар учун 0,5 баробари миқдорида ҳақ олиниб, давлат экологик экспертизаси хизмати бажарилмоқда. Давлат экологик экспертиза хулосаси берилганидан кейин 3 йил давомида юридик кучга эгадир.*

**А. АБДУРАИМОВ,**
**"Вилоят давлат экология экспертизаси" давлат корхонаси бош мутахассис-эксперти.**

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД

– Бугунги фестиваль ҳаётимда унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади, – дейди "Президент асарлари билимдони" номинацияси ғолиби, Тошкент Давлат аграр университети талабаси, қибрайлик Жаҳонгир Хидиров. – Мен Юртбошимизнинг ҳар бир асарини ўқиш жараёнида, биз ёшларга нисбатан чексиз меҳрни ҳис этаман. Шундай элда туғилганимнинг ўзи мен учун катта бахт.

Бошланиши 1-бетда.

Танловга пухта тайёргарлик кўрган вилоятимиз ёшларининг қобилияти, лаёқати ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Уларнинг 23 нафари фестивалнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонч билдирилди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.



**Сайёра ЭШМАТОВА.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИГА КАМАРБАСТАМИЗ

*Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш, уларнинг тафаккурини ривожлантириш биз, ўқитувчилар учун муқаддас вазифа.*

Бизга ёзадилар

Бизнинг Сергели туманидаги 300-ихтисослашган давлат умумтаълим мактабимизда иқтидорли болалар таҳсил олади. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари ушбу таълим масканида фаолият олиб бораётган педагоглардан катта масъулият талаб қилади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган фан олимпиаларидаги ютуқлар ўқитувчиларнинг ўз устиларида тинмай иш олиб бораётганликларини яна бир бор исботламоқда. 9-"А" синф битирувчиси Озода Бозорбоеванинг она тили ва адабиёт фанидан олимпиаданинг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллагани, шу синф битирувчиси Дилбар Омонованинг билими тарих фанидан юқори баҳолангани мактабимиз жамоасини қувонтирди.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилором Ҳайдарова, тарих фани ўқитувчиси Марҳабо Қурбонованинг саъй-ҳаракати, тинимсиз меҳнати туфайли иқтидорли ўқувчилар истеъдоди юзага чиқмоқда. Энг муҳими, ўқувчи-ёшлар ўз ютуқлари билан ота-оналари, устозлари юзини ёруғ қилишмоқда.

Улкан марралар сари интилган инсон, албатта, ниятига эришади. Бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежига йўл олаётган фарзандларимиз учун ҳали ҳаммаси олдинда. Уларни янада юксак марралар, улкан зафарлар кутмоқда.

**Карима ҒОЙИПОВА,**
**мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.**

# ҲАР ИШДА МЕЪЁР КЕРАК

*Бугун кўплаб ҳайдовчилар ўз автотранспорт воситаларида сиқилган газдан фойдаланишни маъқул кўришмоқда. Бу ўз навбатида, транспорт воситалари ҳаракатланиши туфайли атроф-муҳитга етказилаётган зарарларни сезиларли даражада камайтириш баробарида, иқтисодий жиҳатдан ҳам самарадордир.*

Назорат

Бироқ, ҳар ишда тартиб ва меъёр бўлгани каби, автомобилларда табиий сиқилган газдан фойдаланишнинг ҳам ўз талаб ва қоидалари борки, бу биринчи навбатда, хавфсизлик нуқтаи назаридан муҳим заруратдир. Уларга тўла риоя этилишини таъминлаш автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари мутасаддилари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Масалан, транспорт воситаларини шахобча ҳудудига киритишда станция оператори ёки газ тўлдирувчиси ҳайдовчидан газга мослаштирилган автомобилни ҳайдаш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома, автотранспортнинг техник паспортидаги тегишли қайдлар, ўрнатилган газ баллонининг сертификати, яроқлилик муддатларини ифодаловчи хат-ҳужжатларни назоратдан ўтказиши талаб этилади.

Сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга мослаштирилган автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлашда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган регламентнинг аҳамияти катта эканини қайд этиш зарур. Унга мувофиқ, эндиликда автомобилларни фақатгина СПГ-1 (металл) русумдаги баллонлар билан жиҳозлашга рухсат этилади. Автомобилларга ўрнатилган сиғимни суюлтирилган газ билан тўлдиришда баллон ҳажмининг 20 фоизи бўш қолдирилиши ва бунда энг юқори босим 20 МПа дан ортиб кетмаслиги шарт. Газ баллонларидан фақатгина яроқлилик муддатларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, қарорда мазкур регламентга риоя қилиниши устидан давлат назорати йўл ҳаракати хавфсизлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа мутасадди идоралар зиммасига юкланган. Мақсад битта, у ҳам бўлса эл бойлиги бўлган ёқилғи ресурсларидан унумли ва оқилона фойдаланиш ва бу жараёнда барқарор хавфсизликни таъминлашдир.

**Умиджон ТЎЛАЕВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлими бош технологи.**

